




- * “Туркистон” қалдирғочлари” муҳаббатни куйлайди
- * Порахўр тарбиячилар қўлга тушди
- * Балоғатга етмаган ёшлар нега жиноятга қўл урди?
- * Тўртта буйрак билан ҳам яшаса бўлар экан



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 март Шанба.
№ 24 (14306)

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАШ ВА ИШЛАШ – ОЛИЙ БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Хурматли депутатлар!
Энг аввало, кутлуғ Наврўз байрами кунларида сиз азизлар - Сурхондарё вилоятининг вакиллари билан соғ-омон дийдор кўришиб турганимиздан хурсанд бўлганимни изхор этиб, сизларга, сиз орқали бутун Сурхон аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, тарихи, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало, кўнгли очик, бағрикенг, меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежиз эмас, албатта. Биз Сурхондарё вилоятини жанубий сарҳадларимизнинг мустақам кўргони, ҳар қандай ёвуз куч ва ниятларнинг йўлини тўсатган ишончли қалқон, деб биламиз.

Утган йили “Алпомиш” достонининг 1000 йиллик тўйини барча халқимиз билан биргаликда тантана қилганимизда Сурхон воҳасини нафақат юртимиз, балки бутун дунё қайтадан кашф этди. Сурхон аҳлининг нақадар истеъдодли, яратувчилик салоҳияти юксак эканига, қадимий урф-одатлар, минг йиллик анъаналаримизни асрлар оша кўз қорачиғидай асраб ва бойитиб келаётганига гувоҳ бўлди.

Сурхондарё табиати, унинг тарихи ҳақида ҳар қанча гапирсак, бу ерга меҳр қўйиб, уни севиб, шу юртнинг ватанпарвари бўлиб яшаётган ориятли одамларни ҳар қанча улуғласак арзийди.

Азиз дўстлар!
Уч ой муқаддам мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятдаги аҳволга ҳолисона ва танқидий баҳо бериб, воҳани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқболлари ҳақида гаплашган эдик.

Вилоят олдида турган вазифалар, кўп йиллар давомида ечимини кутиб ётган муаммолар, мана шу эл-юртни қийнаётган масалалар ҳақида фикр алмашиб олган эдик.

Бугунги кунда бу муаммолар тобора кескинлашиб бориб, Сурхондарё вилоятининг ҳаётида катта тўғаноқ бўлиб, унинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганини сезмаслик мумкин эмас.

Кейинги тўрт-беш йил давомида Сурхондарё вилоятда ислохотларнинг бориши, ишни ташкил қилиш, иш услуби, авваламбор қишлоқ хўжалигида, бошқа

тармоқ ва соҳаларда йўл қўйилган катта оқсоқлик барчамизни ташвишга, керак бўлса, хавотирга солаётгани табиийдир.

Бугун замон бизнинг олдимизга қандай масалалар ва талаблар қўймоқда? Биз бу талаб ва вазифаларга жавоб беришга қанчалик қодирмиз? Агарки шу ҳолатда қолаверсак, эртанги кунимиз қандай бўлади?

Қанчалик оғир бўлмасин, бугун шу саволлар атрофида очикчасига гаплашиб олмасак, тегишли хулосалар чиқармасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Ҳеч кимга сир эмас, Сурхондарё вилояти беқиёс салоҳиятга эга. Воҳанинг ер ости, ер усти бойликлари ҳақида узоқ гапириб мумкин. Деҳқончилик қилиш учун сув бор, унумли ер бор, йилига икки марта ҳосил олишга имкон берадиган иқлим шароити, қуёш ҳарорати бор.

Қайси соҳани олмайлик, Сурхоннинг олмаю анорини айтасизми, узуми, хурмою лимонини айтасизми, сабзавот маҳсулотларини айтасизми - буларнинг барчаси бутун мамлакатимизда машҳур. Энг муҳими, бу ерда миришкор, уста деҳқонлар, уларнинг ҳавас қилса, ўрганса арзийдиган маҳорати бор.

Табиий бир савол туғилади: биз вилоятдаги ана шу салоҳиятдан, ана шу имкониятдан тўла фойдаланаяпмизми? Умуман биз ҳосилдорлик даражаси, ишимизнинг самарасидан мамнун бўлишимиз мумкинми?

Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Барчамизга яхши маълум: Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ривожланишида кўпгина соҳалар бўйича, аввало, пахта ва галла етиштиришда режалар сурункасига бажарилмаяпти, ҳосилдорлик камайиб, иш унуми пасайиб бормоқда.

Бу ҳолат вилоятда яшаётган одамларнинг турмуш даражаси, кайфиятига салбий таъсир соҳалар бўйича, аввало, пахта ва галла етиштиришда режалар сурункасига бажарилмаяпти, ҳосилдорлик камайиб, иш унуми пасайиб бормоқда.

Агар сўнги беш йилни таҳлил этадиган бўлсак, вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центнерга камайганини таассуф билан қайд этишга тўғри келади.

Бунинг натижасида давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йили 94,8 фоиз, 1997 йили 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили янада пасайиб, 81,8 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)



Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Ислон КАРИМОВ

Ҷ М И Ҳ Ч

Тунд куздан баҳорга қайтмоқ истадим,
Гулсарга изтиробим айтмоқ истадим.
Фараҳбахш тонг бўлиб отмоқ истадим,
Куёш бўлурмисан сендан ўтинсам?!

Ҳар тонг само узра чарақлаб кулсанг,
Жунун ҳолим кўриб дилдан ачинсанг.
Жоним, узоқ ишқнинг йўллари, билсанг,
Йўлдош бўлурмисан “дўст” деб тутинсам.

Йўлда умидсизлик хуруж қилганда,
Шайтон-ганимларим шодон кулганда.
Юрагимда алам, ҳасрат тўлганда,
Кўзёш бўлурмисан, аста юкунсам?!

Севги яловлари ташланса кўзга
Менга ёддир энди қайтмоқлик изга.
Йўл йўқ энди сирим айтмоқдан ўзга
Сирдош бўлурмисан, сенга топинсам?!

Искандар ОРЗУ,
ТошМУ, 3-курс талабаси

**Ў
И
Т
И
П
А
Л
А
М
И**

Ўлгончи ёр энди сизни суймай кўйдик,
Ҳижрон дея ишқингизда куймай кўйдик.
Муҳаббатнинг йўлларига нуқта кўйдик
Шунчалик ҳам хор қилдингиз зорингизни
Омон бўлсак, кўрамиз-да ҳолингизни.

Сизни дея шоир, ҳофиз бўлган эдик
Минг тирилик яна минг бор ўлган эдик,
Кўчангизда роса “шов-шув” бўлган эдик,
Билмасангиз мана шундай шунқорингизни
Омон бўлсак, кўрамиз-да ҳолингизни.

Сизни гўзал десам сиздан гўзал қанча
Толни тепсак ёғар сулув қизлар анча.
Бизни пойлаб юрган қизлар мана бунча
Энди сира кўлга олмам торингизни,
Омон бўлсак, кўрамиз-да ҳолингизни.

Ўтиб кетдиз кулоқ солмай дардимизга
Чимирилиб, лаб бурдингиз амримизга,
Ахир бир кун етсангиз-да қадримизга
Ўша пайт эшитмаймиз арзингизни,
Омон бўлсак, кўрамиз-да ҳолингизни.

Бунча бино қўймасангиз ўзингизга
Кимлар бўлиб кўриндик-а кўзингизга
Битта гални айтай шартта юзингизга
Зор бўласиз бир кун биздай зорингизга
Ана унда ачинмаймиз ҳолингизга.

Нилуфар ВОХИД,
Андижон вилояти,
Кўргонтепа тумани

**Я Ҳ А С Е Ҳ И
С О Ҳ И Ҳ О И М**

Ҳижрон тигин қайради яна,
Азобларим яйради яна,
Соғинч куши сайради яна,
Яна сени соғиниб қолдим.

Фақат бугун соғинганим йўқ,
Йўқ, бошқага овунганим йўқ,
Сендан ҳамон совуганим йўқ,
Яна сени соғиниб қолдим.

Сенсиз сира очилмадим мен,
Ё тупроққа сочилмадим мен,
Сендан сира кечолмадим мен,
Яна сени соғиниб қолдим.

Рангим хазон мисол саргайиб,
Кундан-кунга дардим улгайиб,
Йўллариингга хануз мунгайиб,
Яна сени соғиниб қолдим.

Бўлса ҳамки севгимиз барбод,
Унутмасман сени умрбод,
Субҳидамда этиб мен фарёд,
Яна сени соғиниб қолдим.

Шухрат ЭРГАШ ўгли,
Наманган вилояти,
Поп тумани



Сен юлдуз бўл, ишқим тунда
Юрагимга йўл топиб берган.
Мен-чи ошиқ дилхаста бўлган,
Ул тун аро Мажнундек юрган.

Сен малаклар ичра сарвари
Армонлар-чун армон бўлиб қол,
Юрагимда шоҳона қаср,
Қаср ичра комрон бўлиб қол.

Мен-ки бўлай севгимиз шами
Қалбинг аро ёғду сочай маст.
Сабо мисол эсиб бир пасда
Ўчирмасанг, ўчирмасанг бас.

Дилшод ҒОЙИБОВ,
УрДУ толиби



Қаҳратон қорингни соч...
Қаҳратон қаҳримдан қоч...
Қалдирғочнинг тўшидай
Беғубор бағрингни оч...

Олис-олис тунми ё
Тонгнинг қорачиғлари.
Кўзларига мўмиё,
Киприкларим тиглари.

Нигоҳинам дарича,
Кўйлаклари парича
Зар кокил ёр нўшидай
Сипқорилди оҳ неча!..

Униб чикди ой кўқда
Қора сочи хуснми,
Кулоғининг остига
Юлдуз таққан фусунми!?

Чиздим гўзал оламни,
Чизгиларим хаёлмас.
Юрагида баҳорни
Асрамаган аёлмас!..

Қовурилган руҳимни
Тонгга белаб ютаман,
Сени умрим борича
Муҳаббатим, кутаман!

Лайло СОАТОВА,
Сирдарё

Ҷ Х Ш А М А Ў Д И

Онажоним ҳеч ким сизга ўхшамайди,
Сиздан бошқани дил-кўнгил тусамайди.
Сиз бор шодлик, бахт дунёда тугамайди
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Шодлик кўрдим, ситам кўрдим бу дунёда,
Дўстни кўрдим, ганим кўрдим бу дунёда.
Тикон кўрдим, чаман кўрдим бу дунёда
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Кунда ҳар ким кўзида минг маъно кўрдим,
Биринда куй, бирисида савдо кўрдим.
Бировда ишқ, бировида риё кўрдим,
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Баъзида мен шамолларга малол келдим,
Ким чун қиммат, яна кимга арзон келдим.
Кимгадир гул, яна кимга хазон келдим,
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Баъзан она, онажоним мен ёр бўлдим,
Ёмонлар бор экан, она мен шеър бўлдим.
Сиз бор экан, она яна мен гул бўлдим
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Туймайман ҳеч эркалаган сўзингизга,
Беминнатим, меҳр тўла кўзларингиз,
Соғинаман, ўша иссиқ кўллариингиз,
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Сиз мен учун куёш тўла осмонимсиз,
Дардим сиққан, ганим сиққан маконимсиз,
Боримда ҳам, йўғимда ҳам паноҳимсиз,
Онажоним, ҳеч ким сизга ўхшамайди.

Ноила ХОЛМАТОВА,
Фарғона вилояти

Ё Л Ғ И З Л И К...

Ёлғизман... оқшомнинг ойлари чикди
Хаёл дарахтига боғладим арқон.
Кўзларим ҳайратни ичига ютди,
Сўнг икки дунёни кездим беармон.

Ёлғизман... ҳаттоки тушларимда ҳам,
Ҳеч ким овутмайди, бир шуни билдим.
Севгим хазонларга сирдош бўлган кун,
Ун тўққиз ёшдайдим севмайин кўйдим.

Ёлғизман... у қиз ҳам бахт сари кетди,
Онам бошим силар, сөзмайман.
Кулоғим остида жаранглар мангу
Унинг сўнгги сўзи: — Сев-май-ман...

Шерзод АБДУСАМАТОВ,
Булунғур тумани

Бу кун яна ўтди кутишдай оғир,
Йўлларда тўкилиб кетди нигоҳим.
Сиз ҳамон келмайсиз, сиз
ҳамон жимсиз,
О, менинг бўйим ҳеч
етмаган дорим?!

О, руҳим ипсиз боғлар кутгувчим,
Кетгум ҳаммасини ташлаб
дарбадар.

Бу кун яна ўтар... Хў-ў,
баланд тоғлар.
Энди бардош ҳақда эртақ
сўйлайди.
Йиллар каби узун кокилларимни
Эркалаб сахарлар шабнамга
чайди.

К У П И Ш

Ёмғирлар ёғади олис қишлоққа,
Фарамлар ортига бекинар куёш.
Сочлари оқарган онамни эслаб,
Кунда йиғлашимни
билмайди улар.

Энди кутишлар ҳам менинг
эртандир,
Бу кун яна ўтар... севишдай оғир!
Билмайсан, билмайсан сени
ҳам ахир
Сен кутмаган кимдир кўп кутаётир!

Муҳаббат саргардон
кўнглимдир маним.
Хўрлигим келтирар бемехр дунё.

Санъат КОМИЛОВА,
Риштон тумани

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига не-не кулфату савдоларни солмаган экан. 1941-45 йилларда бизнинг қишлоғимиздан ҳам жуда кўплаб эркаклар фронтга жўнатилган. Улар қатори бобом Абдукарим Юсуповнинг акаси Маткарим Юсупов ҳам жангга кетган.

Маткарим амаким 1921 йили Хазорасп туманидаги собиқ Киров (ҳозирги Боғот туманидаги "Қипчоқ") қишлоғида дунёга келган. 1941 йили фронтга кетган. Машъум уруш тугагач, ундан ҳеч қандай дарак бўлмаган. Бувимиз Имсиной момо ҳар гал фолбину лўли-

**ҚАЕРДАСИЗ,
АМАКИ**

ларга фол очдирганда: "Ўғлингиз тирик, бегона юртларда яшайпти", деб башорат қилишарди. 1997 йили Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган "Хотира" китобининг Хоразм вилоятига бағишланган жилдини ўқиб туриб, ўша башоратларга ишонишдан ўзга чорамиз қолмади. Чунки ушбу китобда Маткарим Юсупов 1947 йили бедарак йўқолган деган сўзлар битилган эди. Бундан 20 йил илгари қишлоғимизда қад ростлаган ёдгорликнинг мармар лавҳасида амакимнинг номи ҳам ўйиб ёзиб қўйилди. Бироқ орадан кўп ўтмай вилоят ҳокимиятининг муҳофаа ишлари бўйича бўлими раҳбарлари кўрсатмаси билан у кишининг исми-шарифи тош битикдан ўчириб ташланган.

Ўша пайтлар юқори ташкилотлардан сўраб-суриштирганимизда амакимнинг тирик эканлиги, хорижда яшаётганлигини билишга муваффақ бўлгандик. Лекин унинг қайси давлатда яшаётгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Амаким урушга кетган йиллари саводсиз, бўшанг бир йигит бўлган экан. Ота-онасига эплаб хат ҳам ёзишни билмаган.

Азиз ҳамюртлар, сизлардан илтимос, Маткарим Юсупов ҳақида бирор маълумотга эга одамлар бўлса бундан бизни ҳам хабардор қилсангиз савоб бўларди.

**Анвар ЮСУПОВ,
Хоразм вилояти,
Боғот тумани**


МЕНИ КУЗАТГАН ҚИЗ

1988 йили Тошкент полиграфия билим юртида ўқирдим. Ноябрь ойида ҳарбий хизматга жўнашимдан олдин яқинларим билан хайрлашиш учун Хоразмга отландим. Оқшом чоғи пойтахтнинг Жанубий вокзалига келсам, у ерда мени Гулханой Ибодат исмли дугонаси билан кутиб турган экан. "Сизни кузатишга чиқувдик", - деди у. Хайрлашаётиб Гулханой менга: "Сиз ҳарбий хизматни тугатиб қайтувнингизча, биз ўқишни тугатиб қишлоғимизга равона бўламиз. Энди ҳеч қачон учрашмасак керак", деганди. Ҳақиқатан ҳам мана 10 йилдан ошдики, биз қайта учрашмадик.

Чарос кўзлари кулиб турган, сочлари кўнғирранг, оппоқ юзли бу соҳибжамол мени кузатишга чиққан билим юртидаги ягона сабоқдошим бўлгани учунми, уни сира-сера унутолмайман. Унинг қаерда, нима иш билан машғуллиги борасида жуда-жуда билгим келади. Адашмасам у Тошкент яқинидаги вилоятларнинг биридан эди.

Агарда рўзномани ўқиб, менинг кимлигимни эслаб олган бўлсангиз, азиз Гулханой ўзингиз ҳақингизда хабар берсангиз. Яхшиси, тахририятдан телефон рақамимни олиб кўнғирок қилинг.

**п.
Хоразм вилояти**



ЛОЛАХОННИ КУТЯПМАН

тўлиқ билмасдим. Севинчим ичимга сизгамади. Энди бемалол хат ёзишиб тураман. Талабалик даврини эсга солдиган воқеалар кўз олдимда намоён бўлди. Уйғун

бўлсин" дея оқ йўл тилаган. Шоирнинг тилаги ижобат бўлиб ҳозирда у таниқли ижодкор...

Хатни охиригача ўқиб конвертдаги манзилга кўз югуртирдим. Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри. Мени манзилини билди, деб ўйлаган шекли, конвертда тўлиқ келтирмабди. Афсус...

Дугонам Лола, "Туркистон"нинг ҳар сонини қўймасдан ўқишингизни биламан. "Сизни излайман"да ўқиб қолсангиз, манзилингизни тўлиқ ёзиб тахририятга юборинг. Шоядки, сизни топсам.

**Собиқ курсдошингиз
ҲИЛОЛА,
Тошкент шаҳри**

НОТАНИШ УСТОЗ

"Сизни излайман" саҳифасининг ташкил этилганидан хурсанд бўлдим. Чунки, кимгадир дардимизни айтишимиз керак-ку.

1989 йилнинг айна пахта йиғим-терим мавсуми эди. Эндигина 18 ёшга тўлганман. Усмон Юсупов туманига хашарга жўнатишди. Ҳамширалик касбига жуда меҳр қўйганимдан кўпроқ одамлар орасида бўлдим.

Бир кун Бахтиёр исмли йигит қизларга хат ва иккита китоб ташлаб, менга бериб қўйишларини илтимос қилган. Қизларнинг хаёлидан кўтарилганми, буни менга уйимизга кетиш арафасида беришди. Хатда куйидаги сўзлар бор эди:

"... Сизни бир кўрдиму, шу кимда самимийлик уйғонди. Ёзиб юрган шеърларингизни пинҳона ўқиб, келажакда ижодкор бўлишингизга амин бўлдим. Сизга шеърят тўғрисидаги китобларни тақдим этипман. Ўзингизга учрашолмаганим учун узр. Биласизми, менинг энг яқин дўстим Абдурашид Афғонистонда хизматда бўлиб, у ердан темир тобутда қайтган. Илтимос, шу дўстим учун тўрт қатор шеър бўлса ҳам ёзинг. Хотираси ўчиб кетмасин. Сизга омад тилаб:

Бахтиёр."

Хатни ўқидиму, йигитлар турадиган ётоқхонага югурдим. Аммо, у йигитни то-

полмадим. Уйга қайтдик. Нотаниш йигитнинг хати менга чиндан-да илҳом берар, кундан-кунга ижодга бўлган меҳрим ортиб борарди. Шеърларим туман ва республика газеталарида босила бошлади. Кўнглим шеърятнинг қулига айланди. Ўшанда оддийгина сўзларимни ўқиб, келажакимга ишонч билан қараган Бахтиёр акани излайман. Ҳатто, унинг энг яқин дўсти Абдурашид хотирасига ҳам шеър ёзиб, газетага бердим. Манзилим тахририятда. Менга хат ёзинг, Бахтиёр ака!

**М.УМИРОВА,
талаба**

Ассалому алайкум,
Абдулла ака!

"Туркистон" газетасининг "Учрашув бека-ти"даги эълонингизни ўқиб, сизга хат ёзишга киришдим.

Ўзим ҳақимда: Исмиим Гулзора, ёшим 32 да, кабсим ҳамшира. Бир-биримизни тўғри тушунганимиз, менинг қадримга етишмагани сабабли эрим билан ажрашганман. Худодан мени тушундиган, ишонадиган ва қадримга етадиган киши билан учраштиришини сўраб, илтижо қилиб келяман.

Характерим: кўнглим очик, самимий, одамлар-

Хотиним билан ажрашганман. Ёшим 39 да. Маълумотим олий, яхши кўрган касб-корим бор. Фарзанд кўриб, бахтли яшашни хоҳлайман. Ҳаётимнинг аччиқ-чучугини бирга тартадиган, ўз фикрига эга, меники-сеники демайдиган ёлғизларни, бахтини излаётган ёки кутаётганлар билан танишмоқ-

чиман. Ёши 25 дан 34 гача, олий маълумотли бўлса яна ҳам яхши бўларди.

**Жаҳонгир,
Тошкент шаҳри**

Ёшим 25 да. Турмушга чиқмаганман, касбим тикувчи. Уйда ўтириб ишлайман. Уйим-жойим дейдиган, олий маълумотли йи-

нинг фикрича, камтаринми Камчилигим; кўнглимда қандай гап бўлса тилимга чиқади. Хусним ўртача, бўйим 150 см., оғирлигим 60 кг. Ота-онам нафақада. Бирга яшаймиз. Ўғлим ва қизим бор. Болаларнинг оғирлиги тушмайди. Чунки ота-онамга улар овунчоқ бўлиб қолишган.

Яна нималар ҳақида ёзсам экан, деб ўйлаб қолдим. Шу ёзганларим сизга маъқул бўлса, танишармиз.

Аниқ манзилим ва телефон рақамларим тахририятда.

**ГУЛЗОРА,
Китоб шаҳри**

гитлар бўлса хат орқали кутаман ва илтимос хатни чин юракдан ёзинг. Чунки, ўзим каби бахт излаётганларнинг бахтли бўлишини хоҳлайман.

**Дилноза,
Термиз шаҳри**

Тахририят Жаҳонгир ва Дилнозага жўнатилган мактубларни кутади ва эгаларига етказди.

БАЙРАМНИНГ ЭНГ ЗЎРИ

Юртимизнинг байрамлари кўп. Бир-биридан ажойиб, турфа ва аъло. Аммо, улар орасида баҳор байрами — Наврўзнинг ўрни ўзгача.

Пойтахтнинг Антонина Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи кичкинтойлари ҳам Наврўзни орзиқиб кутади. Балки болакайлар кўпдан йўлига интизор бўлган ота-оналарини, қариндошларининг келиб қолишига ишонишар шу айём арафасида.

— Меҳрибонлик уйининг ташкил этилганига ҳадемай 58 йил тўлади, - дейди хўжалик бекаси Ҳакима Тўлаганова. - Бу ерда кўп болалар тарбияланди. Ҳозир уларнинг бири муҳандис, бошқаси шифокор, санъаткор, олим... Хуллас, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишдилар. Болаларнинг баркамол инсонлар бўлиб камолга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Бугун байрамни шодийоналик билан ўтказишга ҳамма нарса бисёр. Бунинг учун Меҳрибонлик уйини ҳомийлигига олган "Кока-кола" ичимлиги Тошкент ЛТД" кўшма корхонаси раҳбарларидан миннатдормиз.

Шу пайт саҳнага Меҳрибонлик уйи қошида ташкил этилган спорт тўғарагининг мураббийси Одилжон Дадабоев бошчилигидаги "Соғлом авлод" вакиллари ташриф буёришди. Улар спортнинг миллий кураш, якка кураш, каратэ, қўл жанги турларидан намуналар кўрсатиб, йиғилганлар таҳсинига сазовор бўлишди.

Озодбек Турдалиев, 14

Ёш, 9-синф ўқувчиси:

— Курашчи бўлиш болаликдаги орузим эди. Спортчи бўлолмайман, менга ҳеч ким ёрдам бермайди деб эзилардим. Аммо, умидимни узолмасдим. Мана, имкониятлар бор экан. Ўқиб, спорт билан шуғулланяпман. Она-Ватанимга хизмат қилиб, халқ дуосини олсам армоним қолмасди.

Байрам дастурхонига Наврўз таомларидан сумалак ва ош тортилди "Кока-кола" ичимлиги ва ширинликлари болаларнинг кайфиятини кўтариб юборди.

Тадбирда сўзга чиққан "Тараққиёт" жамғармаси кенгаши раиси муовини Умидулла Исмаилов. "Рос Трейдинг" компаниясининг вакили Луис Беквис жаноблари ҳамда "Кока-кола" ичимлиги Тошкент ЛТД" кўшма корхонаси вакиллари сўзга чиқиб, кутлуғ айём — Наврўз билан кичкинтойларни кутлашди.

Азизжон Дадабоев бошчилигидаги 5-маданият уйининг "Шодийона" халқ вокал чолғу ансамбли кўшиқлари билан кечага байрамона руҳ киритди.

Меҳрибонлик уйида байрам авжида. Болаларни кузатиб, Президентимизнинг бир гаплари ёдимга тушди: Мунавар кунларга етишганимиз, фарзандларимнинг камоли менинг олий бахтимдир. Истагим, ёшлар шундай кунларга шукрона айтиб яшашсин, қувнасин ва бу юртининг мададкори, таянчи бўлсин!

ЗИЁДА

У:А **ИСЛОМОБОД.** Покистоннинг собиқ Бош вазири Навоз Шариф устидан суд жараёни давом этмоқда. Айбловчи томон судланувчига олий жазо бериш-ни сўради. У террорни қўллаб-қув-рупцияда айб-Айбловчи то-би икки кун ичи-лади. Суд хулоса-химоячиларга айбланувчини оқлаш учун уч кун берилади.



БЕРЛИН. Германия Христиан-демократлар партиясининг ноқонуний пуллари унинг аъзоларига сайловди курашларида катта устунликка эришиш имконини берган. Бундестаг вакили шуни маълум қилар экан, собиқ канцлер Хелмут Колнинг партиясига жазо берилгани бежиз эмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Ўтган ойда Германия парламенти ушбу партияга 41 миллион марка миқдориди жарима солган эди. Канцлерлик йилларида ўзи раҳбарлик қилаётган партия газнасига катта пуллар келиб тушгани, лекин молиявий ҳужжатларда қайд этилмагани боис ҳозир Хелмут Колнинг обрўйига анча пугур этган.

ЛОНДОН. Шу кунларда Буюк Британияда Германиянинг "БМВ" автомобилсозлик компаниясига қарши катта норозилик намойишлари бошланиши мумкин. Инглизлар компаниянинг "оқибатни ўйламай иш юритганидан" норози. Гап шундаки, "БМВ" анча вақтдан буён зарарига ишлаб келаётган "Ровер" компанияси фаолиятини тўхтатиб қўйди. Шундан кейин "БМВ"нинг Буюк Британиядаги бу корхонасида ишлаётган қанчадан қанча одам ишсиз қолди. Касаба уюшмалари ва парламент аъзолари мамлакат халқини "БМВ"нинг ҳеч қандай маҳсулотини харид қилмасликка чақирмоқда.

ПРЕТОРИЯ. Жанубий Африка Республикаси яқинда Жанубий Африка-Америка умумий бозорига (МЕРКОСУР) қўшилиши мумкин. Бу ҳақда яқинда расмий ташриф билан ЖАРда бўлиб қайтган Бразилия ташқи ишлар вазири Луис Фелипе Лампрейда маълум қилди. Унинг айтишича, қўшилиш борасидаги музокаралар яқинда бошланади ва улар узоғи билан икки ойга чўзилади. Музокаралар натижасида МЕРКОСУР билан ЖАР ўртасида савдо битими имзоланиши ва ушбу мамлакатнинг умумий бозорга қўшилиши кутилмоқда. Жанубий Африка Республикасининг МЕРКОСУР мамлакатлари билан савдо-сотиғи анча ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда унинг йиллик ҳажми бир миллиард АҚШ долларига тенг келмоқда.

МЕРКОСУР 1991 йили ташкил этилган. Бразилия, Аргентина, Уругвай ва Парагвай унинг доимий аъзолари ҳисобланади. МЕРКОСУРга вақтинча аъзо бўлиб турган давлатлар ҳам анчагина. Бу уюшма қамраган минтақада 200 миллион аҳоли яшайди. Баъзи давлатларнинг жами ялпи миллий маҳсулоти ҳажми триллион доллардан ошади.

АНКАРА. Исроил билан Туркиянинг ҳарбий ҳамкорлиги кенгаймоқда. Куни кеча икки мамлакат ҳарбийлари Туркиядаги "М-60" русумли 170 танкни таъмирлаш борасида келишиб олди. Исроиллик мутахассислар танкларни замонавий қуроллар, алоқа ва мўлжалга олиш воситалари билан таъминлайди, уларнинг устки химоясини мустаҳкамлаб, ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтиради. Бу иш бўйича имзоланган ҳужжатнинг баҳоси 250 миллион АҚШ долларига тенг.

Илгарироқ Туркия билан Исроил ўртасида "Ф-4" русумли қирувчи-бомбардимончи самолётларни замонавийлаштириш бўйича 700 миллион долларлик ҳужжат имзоланган эди.

ГРОЗНИЙ. Россия президенти вазифасини бажариб турган Владимир Путин Чеченистонга келди. Журналистлар билан учрашувда у иккита мажлис ўтказишини айтди. Дастлаб ҳарбийлар билан бирлашган

федерал қўшин келгусидаги фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинади. Кейин фуқаролик маъмурияти вакиллари билан ўлкадаги тиклаш ишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтади.

МОСКВА. Россия Бош ҳарбий прокуратураси федерал кучларнинг бир гуруҳ зобитлари чечен жангариларига реактив снарядлар сотишга урингани ҳақидаги хабарни қатъиян рад этди. Прокуратура ходимининг таъкидлашича, бу маълумот тўқиб чиқарилган ва ҳеч қандай асосга эга эмас.

ТБИЛИСИ. Озарбойжон президенти Ҳайдар Алиев икки кунлик расмий ташриф билан Грузияга келди. Ушбу ташриф давомида қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Озарбойжон ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, имзоланажак ҳужжатларда Озарбойжон ва Грузия ўртасида алоқа, адлия ҳамда ижтимоий таъминот соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топади. Шунингдек, Ҳ.Алиев ҳамда Э.Шеварднадзе "Боку-Тбилиси-Жайхун" нефт қувури лойиҳаси-



ни амалга ошириш масаласини ҳам муҳокама қилади.

ТОКИО. Япония ҳарбий ҳаво кучларига қарашли "Т-2" машқ самолёти Онагава шаҳри яқинида ҳалокатга учради. Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги маълум қилишича, мазкур реактив самолёт учувчиси ҳалок бўлган. Аини пайтда мутахассислар ушбу ҳодиса юзасидан текширув ишлари олиб бормоқда.

ТАЛЛИН. Эстония Бош вазири Март Лаар мамлакатнинг НАТОга қўшилиши йўлида олиб борилётган тайёргарлик ишлари тўғрисида ушбу ташкилотнинг 19 нафар аъзосига ҳисобот бериш учун Брюсселга жўнаб кетди.

М.Лаарнинг таъкидлашича, унинг ҳисоботида Эстониянинг Шимолий альянсга кириш йўлида амалга оширган ишлари, жумладан, мамлакат бюджетига мудофаа мақсадлари учун ажратилган маблағ ялпи ички маҳсулотнинг 1,6 фоизигача оширилганлиги тўғрисидаги маълумот бор.

ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати ҳукумати яқинда бу ерда ислом экстремистлари томонидан 35 кишининг ўлдирилишига норозилик белгиси сифатида иш ташлаш эълон қилди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, аини пайтда штатдаги барча давлат ташкилотлари, дўкон ва мактаблар ишламаяпти. Жамму ва Кашмирнинг баъзи туманларида эса комендантлик соати жорий этилди.

Ҳиндистон махсус хизмати маълумотларига қараганда, сингх жамоатчилиги вакилларига қарши уюштирилган жиноят ислом ақидапарастларининг "Лашкари той-иба" ва "Ҳизбул мужоҳиддин" гуруҳлари жангарилари томонидан амалга оширилган.

ЖАКАРТА. Индонезия президенти Абдурахмон Воҳид Ачех вилоятидаги айирмачилар билан келишиш учун барча чораларни кўрмоқда. Яқинда у айирмачиларнинг қуролли бўлинмаларига Индонезия қуролли кучлари сафига қўшилишни таклиф қилди. Ачех вилоятидаги қуролли тўқнашувларга чек қўйилиб, бу ерда тинчлик ўрнатиш бўйича битимга эришилиши билан исёнчилар мамлакат армиясининг бир қисмига айланиши мумкин, деди А.Воҳид.

ТЕЛ-АВИВ. Рим папаси Иоанн Павел II нинг Исроилга ташрифи бошланди. Ушбу сафар давомида у Қуддус, Вифлеем каби шаҳарлардаги насронийларнинг

кўпдан-кўп муқаддас масканларини зиёрат қилади.

Баъзи кузатувчиларнинг айтишича, Рим папасининг Исроилга мазкур ташрифи фақат диний эмас, сиёсий жиҳатларга ҳам эга. Жумладан, Тел-Авив аэропортидаги кутиб олиш маросимида у Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини қўллаб-қувватлашини билдирди. Шунингдек, у насроний ва яҳудийларнинг ўзаро яқинлашуви тарихий аҳамиятга эгалигини ҳам таъкидлади.

ГАВАНА. Куба Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинишини талаб қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Алехандро Гонсалеснинг айтишича, Куба маъмурияти халққа ва ҳукуматга тазйиқ ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган ҳар қандай чора-тадбирни қоралайди. Ироққа нисбатан қўлланилаётган жазо чоралари натижасида қурбон бўлганлар сони 1,2 миллион нафардан ошди. Бу ҳақиқий фожеадир, деди А.Гонсалес.

БРЮССЕЛ. Европа Иттифоқи Мозамбикка кўрсатилаётган йиллик ёрдам миқдорини бир ярим баробар оширади. Бу ҳақда ЕИнинг ривожланиш ишлари бўйича комиссари Пол Нилсен айтди. Унинг сўзларига қараганда, ЕИнинг сув тошқинларидан зарар кўрган Мозамбикка кўрсатиладиган кўмак миқдори жорий йилда 100 миллион евродан 150 миллион еврога етказилади.

БЕРЛИН. Европанинг бир неча давлатлари ко-соволик қочқинларни ватанига қайтаришни янада енгиллаштириш ва бу борадаги айрим муаммоларни ҳал қилиш бўйича битим имзолади. Ҳужжатга Албания, Босния ва Герцеговина, ГФР, Хорватия, Италия, Австрия, Швейцария, Словения ҳамда Венгрия вакиллари имзо чекди. Ушбу битим қочқинларнинг ушбу мамлакатлар худудидан ўз давлатига эркин ва хавфсиз ўтишини кафолатлайди.

ВЕНА. Россияда бўлажак президент сайловида кузатувчи мақомида иштирок этадиган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) делегацияси сафида 23 мамлакат парламентида етмишга яқин вакил бор. Бу ҳақда ЕХХТ махсус вакили Хелле Дайни айтди. Унинг сўзларига қараганда, европалик кузатувчилар Россиянинг барча худудларида бўлиб, сайлов жараёнини кузатади.

КИЕВ. Украина иқтисод вазирлиги маълумотига қараганда, мамлакатда жорий йилнинг январь-феврал ойларида пулнинг қадрсизланиш даражаси 8,1 фоизни ташкил этди. Бунинг натижасида мамлакатда озиқ-озқат маҳсулотлари нархи 9,3 фоизга, бошқа маҳсулотларники эса 2,5 фоизга ошди.

РИМ. Италия полицияси томонидан уюшган жиноятчиликка қарши ўтказилган кенг кўламли операция натижасида ўттизга яқин шахс ҳибсга олинди. Улар орасида жинорий тўдалар етакчилари ҳам бор. Қўлга олинганларнинг бир нечаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари жонига қасд қилишда шубҳа қилинмоқда. Жумладан, 1998 йил декабрда уч нафар полициячининг ўлдирилишида улардан баъзиларининг қўли бўлиши мумкинлиги тахмин қилинапти.

ВИЛНЮС. Литва статистик хизмати маълумоти-га қараганда, яқин 50 йил ичида мамлакатда қариялар сони икки баробар кўпаяди. Яъни улар сони аини пайт-даги 18 фоиздан 35 фоизга ошади. Литвада 1990 йилдан буён туғилиш кўрсатки-раётир. Маълумот-ларга қараганда, мамлакат бўйича ўтган йили 36,6 минг чақалоқ дунёга келган эди. Бироқ бу 1990 йилдагига нисбатан 20,2 мингта кам. Умуман, Литва аҳолиси сўнгги саккиз йил ичида 48 минг кишига камайган.

СОЗЛАШ

1. Сибирдаги шаҳар (7).
2. Европадаги йирик футбол командаси (7).
3. Машҳур ҳинд кинофильми (6).
4. А.Қодирийнинг машҳур романи бош қаҳрамони (6).
5. Сайқалланган олмос (6).
6. ...Матчон (шоир) (4).
7. Шарм-ҳаё (5).
8. Лотин Америкасидаги давлат (4).
9. Наширётлардан бири (9).
10. Андижондаги шаҳар (5).
11. Туркиядаги шаҳар (5).
12. Уй паррандаси (5).
13. Кема мачтасига ўрнатилган кенг чодир (5).
14. Ёшлар жамғармаси (4).
15. Ўзбек шоираси (6).
16. Канаданинг пойтахти (6).
17. Заҳар (3).
18. Туркистоннинг қадимий номи (5).
19. Кимёвий модда (6).
20. Тошкент вилоятидаги шаҳар (6).

С.ОРИФЖОНОВА

М	А	Д	О	Т	Г	О	М	Т	У	Н
А	Г	А	Н	А	В	О	Н	Р	О	
Р	С	А	С	Б	Е	Х	А	Р	К	Т
А	Е	Н	Г	А	К	Ф	И	А	И	С
А	Н	С	А	М	У	Ф	А	Б	У	К
Л	К	А	Д	И	М	И	Т	Р	У	Т
З	А	Х	Ч	Ч	И	З	М	О	У	Ф
О	Р	Ў	И	Р	Қ	Р	И	Н	Т	О
К	А	Н	Ф	Л	А	В	Т	О	А	Р
А	Е	Я	И	У	З	А	Т	Н	И	Т

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 18 март сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

ЭНИГА: 1. Тўхтамиш. 3. Шошмақом. 6. "ТУ". 7. Ов. 12. Жаннат. 14. Ахтачи. 16. Неру. 17. Трос. 20. Сангтарош. 24. Игна. 25. УЕФА. 26. Курд. 27. Исо. 29. Атом. 30. Оши. 31. Рим. 33. Ясоқ. 34. Ват. 36. Амма. 39. Берк. 40. Назм. 41. Байтуллоҳ. 46. Атир. 49. Рўзи. 50. Тавочи. 51. Андиша. 55. Ан. 58. От. 59. Ганзалес. 60. Сартарош.

БҮЙИГА: 1. Тут. 2. АЛ. 3. Шом. 4. Мг. 5. Мот. 8. Венгрия. 9. Она. 10. Ҳаж. 11. Арсенал. 12. Жумрак. 13. Тонг. 14. Агра. 15. Итузум. 18. Ва. 19. До. 21. Ардоқла. 22. Тос. 23. Одамато. 27. ИИВ. 28. ОПТ. 32. Абубакр. 33. Яксарт. 35. Абу. 37. Анқара. 38. Америка. 42 "Аи". 43. Тўти. 44. Лола. 45. Ой. 47. Ева. 48. Тил. 52. Ўнг. 53. Мис. 54. Тош. 56. Фа. 57. От.

СУМАЛАК – “СИМАЛАК”

Хар баҳорда ҳовлимизда сумалак пиширилиб, маҳалла-кўйга тарқатилар, кўшнилари эса Хосият бувининг сумалаклари хосиятли ва баракотли дейишар эди.

Сумалак пишириладиган куни ҳовлимизга йиғилганлар қозон қовлашга талашишар, бувим эса уларга: “Ҳой, болаларим, охорли кийим кийдиларингми? Бўлмаса жимжилоқларингга тоза мато боғлаб олинглар, савоб бўлади. Яхши ниятлар қилиб қовланглар. Оллоҳ ниятларингга етказди”, - дер эдилар.

Ва шу куни тонггача барча бувининг ривоятларидан баҳраманд бўлар эди. Шулардан сумалак ҳақидагиси ҳалигача қулоқларим остида жаранглаб туради.

“Қадим замонда бир аёлнинг тўрт боласи бўлиб, ўша вақтлари очарчилик бўлганми, еярга бир ҳовуч бугдойдан бошқа ҳеч вақоси қолмабди. Болалари: “Нон, нон!” - деб йиғлайвергач, ноилоҳ қолган она бугдойни янчиб, қозон осибди, унга тўлдириб сув ва тагига олмаслиги учун бир ҳовуч майда тош солиб, ўчоқда олов ёқибди. Чарчаган она ва болалари овқат пишишини кута-кута ухлаб қолибди. Шунда сималак — ўттиз фаришта қозонга ўт қалаб тонггача қавлай бошлашибди. Она ва болалар уйғонишганда тансиқ таом тайёр бўлган эди.”

Шу ривоятдан келиб чиқиб, “сумалак” сўзининг маъноси аслида “Сималак”, яъни ўттиз фаришта дегани экан.

Мохигул СУВОНОВА,
“Туркистон-пресс”

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Юнусобод туманидаги Хусниобод маҳалласида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар учун байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Фозил Юсупов, Баҳром Умедов, Фотима Мадаминаова оилалари эса ўз ҳисобларидан сумалак пишириб, кўпчиликка тортиқ қилдилар. Таниқли хонанда Хуррият Исроилова ўз дастаси билан хайрия концерти бериб, тadbирга янада кўрк қўшди.

“Туркистон-пресс”

МЕТАЛЛХҲР
АЛЬБЕРТО

Альберто Хосе Ла-Крус кўринишидан оддий одам. Касби — инженер-электрик. Аммо Вальпараисода яшайдиган бу йигитнинг ғалати одати бор: у металл ейди.

Бундан олти йил муқаддам у дўстлари билан бўш консерва кутини майда бўлақларга бўлиб, чайнай бошлади. Унинг ғаройиб ишини кўпчилик ҳайрат билан кузатди. Альберто темир тунуқани обдон чайнаб, одамларнинг кўз ўнгида ютиб юборди. То мошабинлар энди бечора йигит нариги дунёга равона бўлса керак, деб ўйлашди. Йўқ, ундай бўлмади: йигитнинг ошқозони темирга бардош берди.

Шу-шу йигит вақти-вақти билан темир еб турадиган бўлди. Альбертонинг таъкидлашича, унга темир тунуқадан кўра таъми сал нордонроқ туюладиган қизғиш мис билан латун маъқул экан. Металлхўр йигитга алюминдан тайёрланган пиводан бўшаган идишчалар айниқса мазали туюлади.

ТҮРТ БУЙРАКЛИ
ОДАМ

Кишинёв яқинидаги Яловени кўрғонида бошқалардан фарқли одамлар яшайди. Масалан, улардан бирининг буйраги... тўртта. Улар бир-бирининг устига жуфт бўлиб жойлашган, ҳажми одатдагидан кичик. Кўш буйрақлар соҳиби бундан асло азият чекмайди. Аммо тиббиёт ходимлари уни текширганида ҳар гал қон босими 200/100 эканлигидан таажубланади.

Яловени кўрғонида истиқомат қиладиган яна бир фуқаронинг эса буйраги фақат битта. Лекин одатдагидан анча катта ҳажмда. У ҳам ўзини жуда соғлом сезади.

Ю П Д У З Л А Р
САМОДАН
СҮЗЛАЙДИ

(27 МАРТДАН -
2 АПРЕЛГАЧА)

ҲАМАЛ. Душанба куни сирли учрашув. Сешанбадан кўнги-роқ кутинг. Чоршанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Пайшанба куни зиддиятлардан нари юргангиз маъқул. Шанбада оила аъзоларингиз билан яхши муомалада бўлинг. Якшанба сиз кутгандек ўтади.

САВР. Молиявий аҳволингиз ҳафта бошида яхшиланади. Сешанба куни яқинларингизни кутинг. Чоршанбада ишлар о'кей. Муҳим муаммоларни пайшанбага қолдириг. Ҳамкорлар билан жума куни янги битимлар тузасиз. Шанба — 1 апрель эканлигини унутманг.

ЖАВЗО. Ҳафта бошида кўпдан кутаётган одамингиз билан дийрдорлашасиз. Сешанба куни асабни асрашингизни масла-



ҳат берамиз. Пайшанба ва шанбада ҳаёт ташвишлари ўткинчилигини унутманг. Акс ҳолда дам олиш кунини кўрпа-тўшак билан ўтказишга тўғри келади.

САРАТОН. Душанба куни бойийсиз. Сешанбада кайфиятингиз аъло. Чоршанба куни зиддиятлардан нари юринг. Пайшанба янглиқдан огоҳ этади. Жума куни яқинларингизни кутинг. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанба куни яхши дам олинг.

АСАД. Кўпдан бўён кутаётган хушхабарни душанбада эшитасиз. Сешанба куни асабийлашманг. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба куни кўнглидагидек харид қиласиз. Шанба муҳим ишлар учун баракали кун.

СУНБУЛА. Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанба куни ишлар о'кей. Ҳамкорлар билан учрашувни чоршанба ва жумага қолдириг. Пайшанба куни бозорингиз бароридан келади. Шанбада соғлиқни авайланг. Якшанба хайрли кун.

МЕЗОН. Ҳафта бошида янглик эшитасиз. Сешанба куни қувонасиз. Чоршанбада соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Пайшанба ва жума кунлари сирли учрашув. Шанба ва якшанбада асабийлашмай соғлиқ учун қайғуринг.

АҚРАБ. Бу ҳафта сизни ҳам соғлигингиз безовта қиладди. Душанба ва чоршанбада ўзингизни унутманг. Сешанба куни асабни асранг. Ишбилармонлар учун омадли кун пайшанба. Жумада бойийсиз. Шанба куни кайфиятингиз но'ль. Якшанбада яхши дам олинг.

ҚАВБ. Қалам аҳли душанба куни самарали ижод қиладди. Сешанба ва чоршанба янглиқдан воқиф этади. Ҳамён учун баркали кун — пайшанба. Жума ва якшанбада кайфиятингиз о'кей. Шанба кунги хариддан кўнглингиз тўлади.

ЖАДЙ. Ҳафта боши ва охирида севгилингизни кутинг. Янги битимларни сешанбада имзолайсиз. Чоршанба ва жума кунлари ҳамёнингиз тўлади. Пайшанбада муҳим ишларни ҳал этинг. Шанба куни сизни йўқлашади.

ДАЛВ. Душанба куни қувонасиз. Сешанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанба куни зиддиятлардан нари юринг. Пайшанбада ишларингиз бароридан келади. Жума ва шанба кунлари яқинларингизни кутинг. Дам олиш кунини сизни сўроқлашади.

ХУТ. Ҳафта бошида кайфиятингиз о'кей. Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба ва пайшанбада муҳим ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Шанба куни соғлигингиз бироз безовта қиладди. Якшанбада сирли учрашув.

Имущество МПМК-3 бюджет реализовывается на торгах РБН Ташкентской области, торги состоятся каждый четверг, начиная со дня опубликования данного объявления. Заявки принимаются по адресу: ул. Генерала Гафурова, 61. Тел: 29-58-32.

МУАЙ-ТАЙЧИЛАР САФАРДА

Мамлакатимиз Муай-тай терма жамоаси 24-26 март кунлари Алмати шаҳрида анъанавий Қозғистон Президенти кубоги учун кечадиган халқаро мусобақада иштирок этиш учун жўнаб кетди.

Ушбу мусобақада терма жамоанинг 14 нафар спортчилари 13 вазн тоифаси бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

— Мазкур мусобақада вакилларимиз олтинчи бор қатнашаётир, - деди бугунжаҳон Муай-тай федерацияси вице-президенти Замирбек Қосимбеков “Туркистон-пресс” мухбирига. - Халқаро тоифадаги нуфузли турнирлардан ҳисобланмиш бўлажак беллашув спортчиларимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Унда голиб чиққан муай-тайчилар бўлғуси масъулиятли мусобақалар олдидан ўз рейтингларини кўтариб олишади.

З.Қосимбековнинг эътирофича, асосий рақибларимиз қозғистонлик ва россиялик спортчилар бўлиб, терма жамоамиз таркибидан жой олган Ф.Мусинов, З.Каримов, Д.Пўлатов, А.Тўхтамишев, Б.Сагатов каби бир неча бор Жаҳон, Европа ва Осиё чемпионатлари голиблари бу гал ҳам юртимиз байроғини юксак кўтардилар.

Федерациядан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили ушбу турнирда терма жамоамизнинг 9 нафар спортчиси қатнашган. Уларнинг барчаси совринли (5 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медал) ўринларни қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этишганди.

“Туркистон-пресс”

“ВОДИЙ —
ПОЙТАХТ” ДУЭЛИ

IX миллий чемпионатимизнинг аввалгисидан фарқи дастлабки турданок сезилиб қолди. Бу йил олий лигада 16 жамоа ўрнига 20 та жамоа тўп сурмоқда. Олдинги мавсумда олтин медал учун кураш “Нефтчи”, “Навбахор” ва “Пахтакор” жамоалари ўртасида кечган бўлса, эндиликда вазият ўзгарди. Ўзбек футболда “водий-пойтахт дуэли” деган атама пайдо бўлди.

Биринчи турда “Нефтчи” Ангренда “Семург”дан мағлубиятга учраши шов-шувларга сабаб бўлди. Уйинда фарғоналиклар ҳар қанча ҳаракат қилмасин барибир мезбонлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. “Пахтакор” “Андижон” билан ўз майдонида аранг дурангга имзо чекди: 2:2.

Иккинчи турда Фарғона водийсининг икки жамоаси пойтахт жамоаларидан 6 очкони илиб кетишди. “Нефтчи” сафарда “Пахтакор”ни 1:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, “Андижон” Ангренда “Семург”ни 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

II турнир кутилган ва кутилмаган
натижалари:

“Металлург” — “Хоразм” 3:1
“Трактор” — “Турон” 2:1
“Сўғдиёна” — “Насаф” 0:1
“Гулистон” — “Сурхон” 0:3
“Дўстлик” — “Бухоро” 2:0
“Кимёгар” — “Қизилқум” 1:2
“Навбахор” — “Самарқанд” 2:0
“Темирйўлчи” — “Зарафшон” 4:1

Учрашувларга 90000 нафар томошабин таширф бўлган. Жами киритилган голлар сони 27 та. Кейинги тур ўйинлари 29 март (чоршанба) куни бўлиб ўтади.

Шухрат ТОЖИЕВ

Тошкент вилоят ҳокимияти қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимига 2000 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалиёт бўлими томонидан берилган № 086626, 086650 рақамли нақд пул олиш дафтarchаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ИШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Маtbуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан
фарқланиши мумкин.